

# ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «24» 3

11052 - сон

*Диндор* *Исраф*

Ўзбекистон тумани тиббиёт бирлашмаси «Тиббий хизмат курсатувчи» деб аталувчи Устав асосида иш юритувчи номидан Х.А.Қурбонов бир томондан, иккинчи томондан бундан бўён «Буюртмачи» деб аталувчи Ўзбекистон тумани ХТБ номидан Н.Сиддикова иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. «Хизмат курсатувчи» ходимларни тиббий куридан утказдириш, «Буюртмачи» эса уларга курсатилган хизматлар хақини ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Бажарилган ишларни номи, миқдори ва нархи шартномада белгиланган пунктларга асосан курсатилади.

## 2. ХИЗМАТЛАР НАРХИ, ТУЛАШ МУДДАТИ

2.1. Хизмат курсатиш кунлари ва нархи шартнома тарафлари томонидан келишилади.

№	Хизмат тури	Улчов бирлиги	нархи	миқдори	Суммаси
1	Тиббий хизмат (Аёллар учун)	киши	59 000	900	53 100 000
2	Тиббий хизмат (Эркалар учун)	киши	42 000	900	37 800 000
	<b>Жами:</b>				90 900 000

Сумма суз билан - туксон миллион туккиз юз минг сум

2.2 «Буюртмачи» «Хизмат курсатуви»га олдиндан бажарилган ишлар учун 100% миқдориди пул утказиш йули билан туловни амалга оширади.

## 3. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

3.2. Шартномада назарда тутилган хизматлар графикда курсатилган муддатларда ва ҳажмда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. «Хизмат курсатувчи» мажбуриятлари:

-Шартномада курсатилган талабларга риоя қилган ҳолда уз вақтида «Буюртмачи»га хизмат курсатиши шарт;  
-Шартноманинг шартлари «Хизмат курсатувчи» томонидан бузилганда «Буюртмачи» конунда белгиланган тартибда чора қуришга ҳақли;

-«Хизмат курсатувчи» бажарилган ишлар ҳисоб-варақларда тулик ва аниқ, ишлар ҳажминини ва бошқа курсаткичларини курсатиш шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тулик реқвизитларини расмийлаштириш шарт.

-«Буюртмачи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда туловларни амалга ошириш..

- Тегишли даражада бажарилмаган ишлар аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб \_\_\_ кун ичида «Хизмат курсатувчи»ни огоҳлантириш.

-Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда бажарилган ишлар хақи ва миқдорлари курсатилмаган ҳисоб-варақлар буйича тулов амалга оширилмайди.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Конунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

5.2. «Хизмат курсатувчи» «Буюртмачи»нинг олдиндан маблағи булган ҳолда бажарилиши керак булган ишларни белгиланган муддатда бажармаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун шартномада курсатилган сумманинг 0.5 % миқдориди «Буюртмачи»га пеня тулайди, лекин пеня миқдори шартнома кийматининг 50% дан ошмаслиги керак.

5.3. «Буюртмачи» бажарилган ишлар учун туловни уз вақтида амалга оширмаси кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% миқдориди «Хизмат курсатувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортик булмаслиги лозим.

### 6. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

- 6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлиқ булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган такдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер кимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, хар қандай ҳолатлар тегишлидир.
- 6.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.
- 6.3. Агар бартараф қилиб булмайдиган куч 3 ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

### 7. МАЖБУРИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК.

- 7.1. «Хизмат курсатувчи» томонидан бажарилиш керак булган ишларни бажариб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тулик етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарар «Хизмат курсатувчи» томонидан қопланади.
- 7.2. Бажарилган ишлар хақини уз вақтида туламаганлик учун «Буюртмачи» «Хизмат курсатувчи»га утказиб юборилган хар бир кун учун, кечиктирилган тулов суммасини      фоизи миқдориди аммо кечиктирилган тулов суммаси шартнома умумий суммасининг      фоизидан ортик булмаслиги керак.
- 7.3. Мазкур шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик ҳолатлари аниқланганда, тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.
- 7.4. Қелишмовчиликлар юзага келган такдирда барча масалалар қелишиш имкони бўлмаганда эса Ҳўжалик суди томонидан хал қилинади.

### 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 8.1. Мазкур шартнома муддати "24" септер 2022 йилдан "31" декабрь 2022 йилгача амал қилади.

### 9. БОШҚА ШАРТЛАР

- 9.1. Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар хар иккала тарафлар орқали имзоланганидан кейин ва Газначилиқдан руйхатдан утказилгандан кейин қучга қиради.
- 9.2 Мазкур шартнома 2 нусухада тузилади бир нусхаси «Буюртмачи» да иккинчи нусхаси «Хизмат курсатувчи»да сакланади.

### 10. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Хизмат курсатувчи»

«Буюртмачи»

Ўзбекистон туман Тиббиёт бирлашмаси  
(хизмат курсатувчи номи)

Ўзбекистон тумни ХТБ  
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Яйпан шаҳри Галаба 45-уй

Манзил: Яйпан ш Зиёкор 102

Тел./факс 53-93-211  
х/в 401422860302307073101054001  
Банк номи \_\_\_\_\_  
ОКОНХ 91511  
МФО 00014 СТИР\_200189162

Тел./факс \_\_\_\_\_  
ш/ҳ\* 100022860302307092100075071  
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи\_200189130  
ОКОНХ 97600  
МФО\_00014\_

Газна х/в 23402000300100001010  
Банкнинг номи Марказий банк Тошкент  
МФО 00014  
Газначилик бўлинмаси СТИРи\_201122919

Газна х/в 23402000300100001010  
Банкнинг номи Марказий банк Тошкент  
МФО 00014  
газначилик бўлинмаси СТИРи\_201122919

Рахбар А.Қурбонов  
(лавозим) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш)

Рахбар \_\_\_\_\_ Н.Сиддиқова  
(лавозим) \_\_\_\_\_





**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**  
**FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI**  
**O'ZBEKISTON TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

151800, O'zbekiston tumani, Ziyokor ko'chasi, tel.: (998 73) 539 15 38,  
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: uzbekiston.t-yurmarkaz@adliya.uz

2022-yil 18-mart

Yaypan shahri

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING**  
**QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA**  
**HUQUQIY XULOSA**

- 1.Loyihaning turi : Shartnoma.**
- 2.Loyihaning nomi: Mahsulot yetkazib berish shartnomasi.**
- 3.Loyihani ishlab chiqqan tashkilot: O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi.**
- 4.Loyiha yuzasidan ma'lumot:**

O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi va O'zbekiston tuman tibbiyot birlashmasi o'rtasida umumiy bahosi 90.900.000 (to'qson million to'qqiz yuz ming) so'm bo'lgan tbbiy xizmatlar ko'rsatish to'g'risidagi shartnomasi loyihasi huquqiy xulosa olish uchun taqdim qilingan.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 5-moddasiga asosan yuridik shaxslar, shuningdek yuridik shaxs tashkil etmagan holda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan jismoniy shaxslar xo'jalik shartnomalarining subyektlari (taflari) bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 10-moddasi birinchi qismiga ko'ra, xo'jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak. Shartnoma loyihasida mazkur Qonun talablariga amal qilingan holda mazkur shartlar nazarda tutilgan.

Fuqarolik kodeksining 108-moddasiga asosan yuridik shaxslarning o'zaro bitimlari oddiy yozma shaklda tuzilishi belgilangan. Taqdim etilgan shartnomasi

oddiy yozma shaklda tuzilgan. Shartnomaga shartnoma tuzish vakolati bo‘lgan mansabdor shaxs tomonidan imzolanishi lozim.

O‘zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi O‘RQ-684-sonli Qonunining 56-moddasi birinchi qismiga ko‘ra, eng yaxshi takliflarni tanlash vositasidagi davlat xaridi quyidagi shartlar bir vaqtning o‘zida bajarilgan taqdirda amalga oshiriladi:

g‘olibni aniqlash mezonlari tovar (ish, xizmat) davlat xaridining nafaqat pul ifodasiga, balki miqdoriy va sifat bahosiga ham ega bo‘ladi;

tovarning (ishning, xizmatning) qiymati bir shartnoma bo‘yicha bazaviy hisoblash miqdorining yigirma besh ming baravarigacha (budget buyurtmachilari uchun olti ming baravarigacha) bo‘lgan miqdorni tashkil etadi.

Mazkur Qonunning 62-moddasi birinchi qismida “Takliflarni taqqoslash natijalariga ko‘ra xarid komissiyasi tanlash g‘olibini aniqlaydi va tanlash o‘tkazish natijalarini bayonnomada aks ettiradi.” deb belgilangan.

O‘zbekiston tumani Xalq ta‘limi bo‘limi tanlash komissiyasining 2022-yil 16-martdagi 48253-sonli majlis bayoniga asosan O‘zbekiston tuman tibbiyot birlashmasi bilan shartnoma tuzilishi belgilangan.

“Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonunning 63-moddasi birinchi qismiga asosan tanlash natijalariga doir shartnoma tanlash bo‘yicha xarid qilish hujjatlarida va o‘zi bilan shartnoma tuzilayotgan tanlash ishtirokchisi tomonidan taqdim etilgan taklifda nazarda tutilgan shartlar asosida tuziladi.

Taqdim etilgan hujjatlarni o‘rgangan holda va yuqoridagilarga asosan:

### **XULOSA QILAMAN:**

O‘zbekiston tumani Xalq ta‘limi bo‘limi va O‘zbekiston tuman tibbiyot birlashmasi o‘rtasida umumiy bahosi 90.900.000 (to‘qson million to‘qqiz yuz ming) so‘m bo‘lgan tbbiy xizmatlar ko‘rsatish to‘g‘risidagi shartnomasi loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq hisoblanadi.

**Markaz bosh yuriskonsul‘ti**



**A.Turdialiyev**